LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги**
**"TTT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти**
**(JPA INTERNATIONAL France)**

---

# "Қўқон ёғ-мой" АЖнинг 2020 йил моливий хўжалик фаолияти юзасидан тузилган АУДИТОРЛИК ХИСОБОТ

---


**АО ООО «TTT-AUDIT»**
**Фаргона ш. Янгиобод- 5 уй**
**Лицензия Министерства Финансов РУз**
**серия АФ № 00773 от 05.04.2019 г.**
**р/счет: №2020 8000 1009 2188 6001**
**в ХАБ «Траст банк» МФО 01123**
**ИНН 202 216 926 ОКЭД 69202**
**Тел/ факс: (+91) 651-80-13, (+94) 448 20 60,**
**(+95) 400-80-23, (факс) (73) 241 -64 -68**
**E-mail:** tttaudit@mail.ru, www.tttaudit.uz ttt-audit.uz


**г. Фергана – 2021 г.**

# Мундарижа:

**1.** Аудиторли ташкилоти тўғрисида маълумот........................................................1
**2.** Кириш қисм.........................................................................................................2
**3.** Асосий қисм ички назорат тизими.......................................................................4
**4.** Корхона тўғрисида маълумот...............................................................................5
**5.** Аудит текшируви ўтказилган даврда ишлаган мансабдор шахслар тўғрисида маълумот.........................................................................................................6
**6.** Асосий воситалар аудити.....................................................................................7
**7.** Номоддий активлар аудити..................................................................................8
**8.** Узоқ муддатли инвестициялар аудити..................................................................8
**9.** Ўрнатиладиган ускуналар аудити.........................................................................9
**10.** Капитал қўйилмалар аудити..............................................................................10
**11.** Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар аудити..............................................10
**12.** Товар моддий захиралар аудити........................................................................12
**13.** Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш ҳисоби аудити...................................12
**14.** Асосий ишлаб чикариш хисобга олувчи счётлар................................................13
**15.** Ишончномалар таҳлили....................................................................................14
**16.** Тайёр маҳсулотлар аудити.................................................................................14
**17.** Товарлар аудити...............................................................................................14
**18.** Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар жорий қисмининг аудити...............................................................................................................15
**19.** Дебитор қарзлари таҳлили.................................................................................16
**20.** Ғазна ва ғазна муомалалари аудити...................................................................17
**21.** Банк ва банк ҳисоботлари аудити......................................................................17
**22.** Валюта операциялари аудити............................................................................18
**23.** Банкдаги махсус счетлардаги пул маблағларининг аудити..................................18
**24.** Кредиторли қарзлари таҳлили...........................................................................18
**25.** Иш хақи ҳисобланиши аудити...........................................................................19
**26.** Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар аудити...............................................20
**27.** Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши аудити............................................20
**28.** Даромад ва харажатлар таркиби молиявий ҳисобот аудити................................24
**29.** Жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичлари.............................................................25
**30.** Якуний қисм: аудиторлик текшируви бўйича тавсиялар......................................27

«Аудитни режалаштириш»
3-АФМСга 1-ИЛОВА

**"Келишилган"**
«Қўқон ёғ-мой»
АЖ рахбари

_________ **Артиков К.И**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
МЧЖ “TTT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти
бош директори____________**Ботиров М.Х**.

02.03.2021 й

# АУДИТНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот: « Қўқон ёғ-мой » АЖ
Аудит даври: 01.01.2020 йилдан - 31.12.2020 йилгача.
Киши-соатлар сони - 1 аудитор
Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Бош аудитор Хожиакборов С
Аудитор ёрд Расулов А

| N | Режалаштирилаётган иш турлари | Ўтказиш даври | Бажарувчи | Изохлар |
|---|---|---|---|---|
| | **КИРИШ КИСМ** | | | |
| 1 | Аудитнинг умумий режасини, аудит дастурини тайёрлаш | 02.03.2021 – 274.03.2021 | Хожиакбоов С | |
| 2 | Жиддийлик даражаси, хатар даражаси ва тегишли танлаш хажмини аниқлаш | | | |
| 3 | Мувофиқлилик ва ҳаққонийлик предмети бўйича молиявий ҳисоботларнинг таҳлили | | | |
| | **АСОСИЙ КИСМ (Тахлилий)** | | | |
| 4 | Ички назорат тизими таҳлили | 02.03.2021 – 24.03.2021 | Аудитор Хожиакборов С Расулов А | |
| 5 | Корхона ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг аудити | | | |
| 6 | Ҳисоб сиёсати аудити | | | |
| 7 | Жорий мажбуриятлар ва олинадиган счетлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити | | | |
| 8 | Товар моддий захираларининг аудити | | | |
| 9 | Асосий воситалар аудити | | | |
| 10 | Номоддий активлар ва молиявий инвестициялар аудити | | | |
| 11 | Ходимлар билан ҳисоб-китоблар аудити | | | |
| 12 | Даромадлар аудити | | | |
| 13 | Давр харажатлари, молиявий фаолият натижалари бўйича харажатлар аудити | | | |
| 14 | Кечиктирилган даромадлар, келгуси давр харажатлари аудити | | | |
| 15 | Капиталнинг шаклланиши ва таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар аудити | | | |
| 16 | Солиқлар ва мажбурий ажратмалар аудити | | | |
| | **Якуний кисм** | | | |
| 17 | Аудит хисоботини тузиш | 24.03.2021 | Хожиакборов С | |
| 18 | Аудит хулосасини тайёрлаш | 24.03.2021 | Хожиакборов С | |

Тузди: Хожиакборов С

*“Қўқон ёғ-мой” АЖ*
*31.12.2020 йил*

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18- моддасига асосан «Аудиторлик хисоботи» **махфий** ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганликлари учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**«Қўқон ёғ-мой»АЖ директори**
**К.И.Артиковга**

*«Қўқон ёғ-мой» Акционерлик жамияти*
*2020 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан*
*Ўтказиш юзасидан*
***АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ***

| | |
|---|---|
| Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзили | Маъсулияти чекланган **«TTT-AUDIT»** аудиторлик ташкилоти.<br>*Манзил:* Фарғона ш. Янгиобод 5- уй<br>*офис тел:.* **95 400 80 13, 95 404 80 23**<br>*Интернет:* **tttaudit@mail.ru** |
| Давлат руйхатидан ўтказилган гувохнома | Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 12.03.1997 йил Гувохнома реестри №335 |
| Лицензия берган орган номи ва тартиб рақами | Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган Лицензия АФ № 00773 05.04.2019 йилда берилган. |
| Суғурта полиси | «DD General Insurance» Суғурта компанияси №0500/1306/1/200035-001 20,062020 й. |
| Аудиторлик текширув учун тузилган шартнома рақами ва тузилган санаси | Шартнома № 102; 16.11.2020 й. |
| Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши | Бошланиши «02» март 2021 йил<br>Тугалланиши «24 » март 2021 йил |
| Аудит ташкилот раҳбари фамилияси, исми ва малака сертификати рақами | Ботиров Махаммад Хошимович САР. Аудитор Малака сертификати №-05052 25.08.2012 йил Молия Вазирлиги томонидан берилган |
| Аудит текшируви ўтказган аудиторлар фамилияси | Хожиакборов Саттор Гафурович. Аудитор Малака сертификати №05468 11.03.2017 йил Молия Вазирлиги томонидан берилган |
| Аудиторлар | Расулов Абдурашид Солиевич |

## КИРИШ ҚИСМ

**Аудиторлик ҳисоботи**–бу жамият раҳбарига, мулкдорларига, иштирокчиларининг умумий йиғилишига тақдим этилувчи ва ўзида аудиторлик текшируви йули билан бухгалтерия ҳисобини олиб боришда аниқланган камчиликлар, молиявий ҳисоботидаги камчиликлар, ҳамда аудиторлик текширувини олиб боришда олинган бошка маълумотларни акс эттирувчи ва аудиторлик хулосасини тузишда асос бўлувчи хужжатдир.

«Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамияти (кейинги матнларда Жамият деб юритилади) бошқаруви ҳамда аудиторлик ташкилоти ўртасида № 102 сонли 16.11.2020 йилдаги ўзаро келишилган ва имзоланган шартномага асосан жамиятнинг 2020 йил даврдаги молиявий хўжалик фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик текширувига тақдим этилган барча турдаги бухгалтерия бошланғич хужжатлари ва маълумотларининг хаққонийлиги, даромадлар ва харажатларнинг ҳисоботларда хаққоний акс

эттирилиши учун жамият раҳбари ва бош ҳисобчиси тўла маъсулдирлар. Аудиторлик ташкилоти эса текшириш юзасидан берилган хулоса учун жавоб беради.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонунлари (янги таҳрир), Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги №365 – сон" Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2016 йил 1 декабр №2844- сон билан рўйхатдан ўтказилган №70- сон "Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси" (янгитаҳрир), №3 сон «Аудитни режалаштириш» ва бошқа аудиторлик фаолиятининг миллий андозаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига (БХМА) асосланиб режалаштирилган ва жамият директори билан келишилган дастур асосида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви даврида жамият томонидан тузилган молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби бирламчи хужжатлари бухгалтерия ҳисоби принципларига амал қилинган ҳолда тузилганлиги ва бутлиги текширилди.

Жамият томонидан 2020 йил якуни билан бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги хужжатлари тақдим қилинди:

- Бухгалтерия ҳисоби Балански 2020 йил (Форма №1);
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2020 йил (Форма №2);
- Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот 2020 йил (Форма №3);
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот 2020 йил (Форма №4).

## АСОСИЙ КИСМ
## ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (янги тахрир) Қонуннинг 11-моддасида корхона раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни амалга ошириши, корхонада ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини, бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини, ҳисоб-китоб хужжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини, солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий хужжатлар тайёрланишини, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Яъни нафакат жамиятни бошқариш, шу билан биргаликда, бутун бир ички назорат тизимини доимий назорат қилиб бориш жамият раҳбарининг вазифаси ҳисобланади. Биз ички назорат тизимини тўлиқ бажарилиши унумдорлиги учун жавоб бермаймиз, бизнинг вазифамизга ички назорат тизимини ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб баҳолаш киради.

Ички назорат тизими жамият раҳбарияти ва бошка ходимларни ўз фаолиятида аниқ маълумот олишда қуйидагиларни таъминлаши керак:

-Молиявий ҳисобот ҳаққонийлиги;

-Қонун ва норматив хужжатларга риоя қилиш;

-Бухгалтерия тизимида операцияларни бажарилиши унумдорлиги;

-Молиявий ҳисоботни тузишдаги ҳаққоний маълумотлар, активлар ва товар-моддий захиралар сақланиши ҳамда бошқа бухгалтерия ҳисоби регистрларидан тўғри фойдаланиш.

Биз ички назорат тизимини ўрганганимизда, жамиятда иш ҳажмини тўғри олиб борилганлиги, жумладан, ички назорат жамият раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан амалга оширилганлиги аниқланди. Жамият маъмурияти томонидан активларнинг бутлигини, олиб келинаётган товар-моддий бойликларни жойлаш чоралари кўрилган. Жумладан:

-темир сейфлар мавжуд (пул маблағлари ва хужжатларни сақлаш учун);

-товар-моддий бойликлар махсус омборларда сақланади ва жавобгар шахслар зиммасига олиб борилган,улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар мавжуд.

Бухгалтерия ҳисобини юритилиши «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонун доирасида ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларига амал килган ҳолда юритилган.

Синтетик ҳисоблар 1С компьютер дастурида юритилган. Хужжатлар расмийлаштирилиши ҳар ой якуни билан, ҳар чоракда солиқ ва бошқа статистик ҳисоблар юритилиб, белгиланган муддатларда кундирилиб келинган.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 26 июлдаги 707/86 сонли, Адлия Вазирлигида 1998 йил 14 августдаги 474 сон билан рўйхатга олинган, №1 сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» бухгалтерия ҳисобининг миллий андозасига асосан ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган, лекин ушбу стандартнинг талабларига тўлиқ амал қилинмаган. Бухгалтерия ҳисоби янги БХМА №21 счетлар режасига асосан юритилган.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритишда фойдаланилган ишчи счетлар режасидаги синтетик ва аналитик учетлар белгиланган талабларга мос келади. Олинган ялпи даромад ва харажатлар амалга оширилган фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритилган. Юритилган бухгалтерлик ёзувлари аудит текширувини ўтказиш ва солиққа торитиладиган оборотларни ҳисоблаш имконини беради.

## Корхона тўғрисида маълумот

| Жамият номи | **«Қўқон ёғ-мой» АЖ** |
|---|---|
| Жамиятнинг ҳуқуқий шакли | Акциядорлик жамияти |
| Низом жамғармаси | **Янги таҳрири** *(Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ҳокимлиги тадбиркорли ксубъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2019 йил 1809 куни қайта руйхатга олинган).* «Қўқон ёғ-мой» АЖ акциядорларнинг 08 июн 2019 йил кунги навбатдан ташкари умумий йиғилиши.<br>Устав фонди: **1 392 490** дона, **3 970** сўмдан **5 528 185 300** сўмга шакллантирилган.<br>• **Оддий акциялар 1 390 430 дона**<br>• **Имтиёзли акциялар 2 060 дона**<br>• **Давлат активларини бошкариш агентлиги 710 170 дона 2 819 374,9 минг сўм 51%.**<br>• **«Demortt finance» МЧЖ ХК 460 640 дона 1 828 740,8 ми нг сўм 33,08%.**<br>**«Камалак» ИФ АЖ Андижон ш. 14 000 дона 55 580 минг сўм 1,0%**<br>• ***«Жисмоний шахслар»* 207 680 дона 824 489,6 минг сўм 14,91%.**<br>(Шундан 2 060 донаси имт. Акция) |
| ОКЭД, ОКОНХ | ОКЭД **10410** ОКОНХ **18121** |
| ИНН | 200 918 299 |
| Ҳисоб рақами | 2020 8000 9002 2834 7001 |
| МФО | 00545 |
| Банк | Миллий банк Қўқон бўлими |
| Асосий фаолият тури | Саноат ишлаб чиқариш |
| Юридик манзили | Қўқон ш. Моворауннахр к-си 84 |

**Аудит текширув ўтказилган даврда ишлаган мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумот**

1. Барча бирламчи хужжатларга биринчи бўлиб имзо қўйиш ҳуқуқи билан корхона директори лавозимида Артиков К. И. 2017 йил 06 июн ойидан – то ҳозирги кунга қадар ишлаб келмоқда.
2. Барча бирламчи ҳужжатларга иккинчи бўлиб имзо қўйиш ҳуқуқи билан корхона бош ҳисобчиси вазифасида Бабаджонов Дилшод Тургунович 26 октябр 2011 йилдан–то ҳозирги кунга қадар ишлаб келмоқда.

Аудиторлик текширув корхона рахбарлари Артиков К. Ва бош ҳисобчи Бабаджонов Д. Ва ёрдамчи ҳисобчиларнинг бевосита иштирокида ўтказилди.

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИ
## *(5-СОН БҲМС)*

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан қўлланиладиган уларнинг баланс қийматини ва амортизацияни ҳисоблаш усулларини белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетиши ҳисобига молиявий натижаларни белгилаш ва ҳисобга олиш асосий қоидалар ҳисобланади.

***асосий воситалар*** – корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий – маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар;

**амортизация**-фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) тан нархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2020 йил 01 январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 33 262 636,0 минг сўмни ташкил этган. Асосий воситалар йил бошига қайта баҳоланган. Эскириш суммаси 11 456 969,0 минг сўмни ташкил этган.

2020 йил охирига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 33 766 339,0 минг сўмни, йиғилган амортизация қиймати 13 270 188,0минг сўмни, қолдиқ баланс қиймати 20 496 151,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар жамиятнинг бухгалтерия баланси маълумотларига мос келади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш Ўзбекистон Республикасиянги Солик Кодексининг 144 – моддасида белгиланган меъёрлар доирасида амалга оширилган.

### *БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА АСОСАН*

***16 - модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш***

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади.

## *19 – сон БҲМС*
# ИНВЕНТАРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

Йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, инвентарлаш ҳисобот йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулкдан ташқари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.08.98 йилда 486 - сон билан рўйхатга олинган "Товар-моддий захиралар" деб номланган 4 – сон БҲМС га биноан товар-моддий захиралар бир йилда камида бир марта инвентарланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.09.98 йилда 491 – сон билан рўйхатга олинган "Асосий воситалар" деб номланган 5 – сон БҲМС га мувофиқ асосий воситалар икки йилда камида бир марта, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта инвентарланади.

Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва катъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари – ҳар чоракда, қимматбаҳо металлар – тармоқ йўриқномаларига мувофиқ инвентарланади.

Айрим жойлар ва мавсумий тусда ишлайдиган корхоналарда ишлаб чиқариш захиралари улар энг кам миқдорда қолганда қуйидаги ҳолларда инвентарланади:

- асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда;
- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш-топшириш кунида);
- ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда;
- табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайри табиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;
- хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

1.6. Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида инвентарлаш жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан ўтказилади. Жамият балансида мавжуд бўлган асосий воситалар 2019 йил ҳолатига инвентаризациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган. Ушбу инвентаризация “Қўқон ёғ-мой” Акциядорлик жамияти бўйича 2019 йилдаги “Моддий бойликларни ва асосий воситаларни қайта йўқламадан ўтказиш тўғрисида”ги буйруққа асосан ўтказилган.

| СЧ№ | Асосий воситалар | 01.01.2020 йилга қолдиқ | | | 01.01.2021 йилга қолдиқ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Бошлангич қиймати | Эскириши | Қолдиқ қиймати | Бошлангич қиймати | Эскириши | Қолдиқ қиймати |
| 0120 | Бинолар | 13 876 317 | 3 575 010 | 10 301 307 | 13 767 957 | 3 863 780 | 9 904 177 |
| 0121 | Иншоотлар | 1 063 313 | 681 625 | 381 688 | 1 063 313 | 736 499 | 326 814 |
| 0122 | Узатувчи мосламалар | 780 807 | 533 432 | 247 375 | 961 065 | 625 782 | 335 283 |
| 0130 | Машина ва асбоб – ускуналар | 12 887 181 | 4 711 946 | 8 175 235 | 13 332 164 | 5 696 610 | 7 635 554 |
| 0140 | Мебел ва офис жихозлари | 49 056 | 39 056 | 10 000 | 49 056 | 41 652 | 7 404 |
| 0150 | Компьютер ва ҳисоблаш техникаси | 207 399 | 146 708 | 60 691 | 211 055 | 163 259 | 47 796 |
| 0160 | Транспорт воситалари | 2 645 749 | 1 087 557 | 1 558 192 | 2 645 749 | 1 355 130 | 1 290 619 |
| 0170 | Ишчи ва махсулдор хайвонлар | 288 734 | | 288 734 | 273 035 | | 273 035 |
| 0180 | Куп йиллик дарахтлар | 19 523 | 13 087 | 6 436 | 19 523 | 14 733 | 4 790 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **0190** | Бошка асосий воситалар | 1 444 557 | 668 548 | 776 009 | 1 443 422 | 772 745 | 670 677 |
| | **Жами** | **33 262 636** | **11 456 969** | **21 805 667** | **33 766 339** | **13 270 190** | **20 496 149** |

# НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АУДИТИ
## (7-сон БҲМС)

Номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ операциялар ҳуқуқ эгаси ва фойдаланувчи ўртасида тузилган, корхонага номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган (масалан, ҳуқуқ эгаси томонидан корхонага товар белгисидан муайян муддат мобайнида, маълум ҳудудда фойдаланиш ҳуқуқи, маҳсулотлар ишлаб чиқариш автоматлаштирилган бошқарувининг технологик дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи, саноат намуналаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг берилиши) лицензия шартномалари (мутлақ, номутлақ, очиқ лицензия), муаллифлик шартномалари (фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш мутлақ, но мутлақ ҳуқуқини бериш тўғрисидаги), тижорат концессия шартномалари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ тузилган бошқа шунга ўхшаш шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

**Номоддий активлар** – корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий – ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2021 йил 01 январ ҳолатига номоддий активнинг, бошланғич қиймати 49 500,2 минг сўмни ташкил этган.

Номоддий активларга эскириш ҳисоблаш Ўзбекистон Республикасиянги Солиқ Кодексининг белгиланган меъерлари доирасида амалга оширилган.

| *сч№* | *мазмуни* | *31,12,2020 й бошлангич киймат* | *31,12,2020 й хисобланган эскириш* | *31,12,2020 й колдик киймат* | *ЖАМИЯТ МУТАХАСИСИНИ ТУШИНТИРИШ ЁЗУВИ* |
|---|---|---|---|---|---|
| 0410 | Патенты, лизензии и ноу - хау | *49 500 240* | | ***49 500 240*** | |
| | *жами* | | | | |

# УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИ
## БҲМС №12

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу миллий стандарти (БҲМС) "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш усулини белгилаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида инвестицияларга доир ахборотни очиб кўрсатиш ушбу стандартнинг мақсадидир.

**Молиявий инвестициялар** – хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган сармоя қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

**Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар** – муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган осон реализация қилинадиган инвестициялар.

**Узоқ муддатлии нвестициялар** – қисқа муддатли (жорий) инвестициядан ташқари барча инвестициялар.

**Кўчмас мулкка инвестиция** - инвестиция қилувчи субъектнинг ёки инвестиция қилувчи субъект гуруҳига кирувчи бошқа субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти давомида фойдаланилмайдиган ер участкаларига ёки иморатларга инвестициялар.

**Жорий қиймат** – бир – бирига қарам бўлмаган хабардор, сотиб олишни хоҳлаган харидор билан хабардор, сотишни хоҳлаётган сотувчи ўртасида актив алмаштириладиган миқдор.

**Бозор қиймати** – активлар бозорида аниқланадиган инвестициялар миқдори.

**Бозор** – бозор қиймати (ёки бозор қийматини аниқлашга имкон берадиган бошқа бирор кўрсаткич) аниқланадиган активлар бозори мавжудлигини билдиради.

Жамиятда 2020 йил якунига ***0620*** счетида колдик мавжуд эмас:

***0630*** счетда жамиятнинг боғлиқ хўжалик жамиятларига, яъни

- "*Лаззат Қўқон*" *МЧЖ пархез таомларига* – 1 374,0 минг сўмлик инвестициялари мавжуд.

***0690*** счетда жами 862 042,8 минг сўмлик бошқа узоқ муддатли киритилган инвестициялари қуйидагилардан иборат:

***0600 сч жами***

| ТАШКИЛОТ НОМИ | СУММА | ИЗОҲ |
|---|---|---|
| Лаззат Кукон МЧЖ | 1 374,0 | |
| Агро Сирдарё | 111 484,0 | |
| Био лабаратория Фаргона | 63 000,0 | |
| Чустозик овкат савдо | 5 000,0 | |
| продфиштрейд МЧЖ | 33 677,0 | |
| Кукон энерго марказ | 11 382,0 | |
| Фаргона Дехкон бозори | 1 121 885,0 | |
| **Жами** | **1 347 802,0** | |

## ЎРНАТИЛАДИГАН УСКУНАЛАР АУДИТИ

Жамиятнинг балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2020 йилнинг 01 январ ҳолатига 0710 счетда 40 163,0 минг сўмлик, йил якунида эса 9 639 774,0 минг сўмлик ўрнатиладиган ускуналар мавжуд:

***0710 сч жами***

| № | Ўрнатилмаган ускуна номи | Олинган вакти | Суммаси | Изох |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Кател энергия 3 | | 2 203 | замена |
| 2 | Масло пресс | | 5 089 | контрол |
| 3 | Подогревателмыл. Масса | | 11 579 | замена |
| 4 | Шнекс мотором | | 21 291 | замена |
| 5 | гидрогенизация ускунаси | 01.07.2020 | 3 703 195 | новый |
| 6 | оборудов. произ сало масса | 01.07.2020 | 5 896 417 | новый |
| | **Жами** | | **9 639 774** | |

## КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР АУДИТИ
## (5 – сон БҲМС)

Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида иқтисодий фойда олишни ошириш шартларида уларнинг бошланғич қийматини оширади. Келгусида олинадиган иқтисодий фойдани оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар амалга оширилган даврдаги давр харажатлари сифатида тан олиниши лозим.
Асосий воситалар объектларини қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техник қайта қуроллантиришга доир харажатлар, улар тугатилганидан сўнг, агар улар натижасида асосий воситалар объектининг фаолият юритишининг қабул қилинган бошланғич меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва бошқалар) яхшиланса (ошса), бундай объектнинг бошланғич қиймати ҳам ошади.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2020 йил 01 январ ҳолатига **0800** счет буйича:

- **0810** тугалланмаган қурилиш – 241 058,5 минг сўм
- **0820** асосий воситаларни харид қилиш – 53 590,5 минг сўм
- **Жами:** 294 648,7 минг сўмлик капитал қўйилмалар мавжуд:

2020 йил якунига 0800 счет буйича:

- **0810** тугалланмаган қурилиш – 804 887,9 минг сўм
- **0820** асосий воситаларни харид қилиш – 39 016,7 минг сўм

**Жами:** 843 905,0 минг сўмлик капитал қўйилмалар мавжуд:

| сч№ | Мазмуни | 01,01,2020 й колдик | кирим | чиким | 01,01,2021 й колдик |
|---|---|---|---|---|---|
| 08,10 | Гидро генизация цехи ва Саломас цехи | 166 946 204,7 | 562 329 515,5 | | 729 275 720,1 |
| 08,10 | Кандолат цех | 74 112 269,2 | | | 74 112 269,2 |
| 08,10 | Лойиха ишлари | | 1 500 000,0 | | 1 500 000,0 |
| 08,10 | Чигит тушуриш ускунаси щрнатишга харажат | | 55 600 002,0 | 55 600 002,0 | |
| | Жами | 241 058 473,9 | 619 429 517,5 | 55 600 002,0 | 804 887 989,4 |

## УЗОҚ МУДДАТЛИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ

***Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900)***

Қуйидаги ҳисоб-китобларнинг узоқ муддатли қисми:

***а) харидорлар ва буюртмачилар билан олинган векселлар бўйича;***

***б) ижарачилар билан уларнинг молиявий ижара шартномаси асосида олган асосий воситалари бўйича;***

***в) мол етказиб берувчилар билан – уларга товар – моддий бойликлар ва бошқа активларни етказиб бериш учун берилган бўнаклар бўйича;***

***г) харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счётлар бўйича;***

***д) ажратилган бўлинмалар билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счётлар бўйича;***

***е) харидорлар ва буюртмачилар билан кредитга сотилган товарлар бўйича;***

***ж) корхоналар ва ташкилотлар билан берилган қарзлар бўйича;***

***з) моддий – жавобгар шахслар ва корхонанинг ходимлари билан моддий зарарни қоплаш бўйича;***

***и) бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан корхонага юқорида келтирилмаган турли қарзлар бўйича;***

***к) вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича;***

***л) облигациялар дисконтлари бўйича кечиктирилган харажатлар;***

***м) бошқа кечиктирилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:***

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича **0990** счетда 2020 йил 01 январ холатига **229 182,9** минг сўмлик бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлари мавжуд бўлиб йил якуни билан 01.01.2021 йилга **132 487,5** минг сўмга камайган (илова тақдим қилинди).

**(сум)**

| Субконто | 01,01,2020 йга | оборот | | 01,01,2021 йга |
|---|---|---|---|---|
| | | кирим | чиким | |
| Абдуллаев Музаффар Мухитдинович | 28 893 752,81 | | 6 219 831,67 | 22 673 921,14 |
| Азизов Адхамжон Орифович | | 500 000,00 | 500 000,00 | |
| Дехконов Хасан Солижонович | 18 300 000,00 | | 7 631 300,00 | 10 668 700,00 |
| Кодиров Шерзод Абдумаликович | 18 674 000,00 | | | 18 674 000,00 |
| Мадаминов Фахриддин Фатхуддинович | 6 500 000,00 | | 1 500 000,00 | 5 000 000,00 |
| Мамаджонов Фаррух Нумонович | 30 291 891,00 | | 3 15 623,00 | 29 976 268,00 |
| Марасулов Бахром Мамадалиевич | 10 650 000,00 | | 7 250 000,00 | 3 400 000,00 |
| Саидов Мухаммад Солих Одилжон угли | 11 200 000,00 | | 10 812 263,00 | 387 737,00 |
| Тожибоев Абдусаттор Абдухалилович | 14 800 000,00 | | 9 314 858,00 | 5 485 142,00 |
| Ульмасхужаев Ойбекхужа Улугбек угли | 15 700 000,00 | | 9 857 445,00 | 5 842 555,00 |
| Файгамбаркулов Музаффар Махмудович | 8 973 250,00 | | | 8 973 250,00 |
| Хаитов Акмалжон Адхамович | | 1 596 054,0 | 1 196 054,00 | 400 000,00 |
| Хаитова Махфуза Тулкуновна | 13 300 000,00 | | 13 300 000,00 | |
| Хамдамов Зафаржон Ортикалиевич | 4 500 000,00 | | 2 431 414,67 | 2 068 585,33 |
| Шаматов Бахром Тахирович | 4 800 000,00 | | 4 800 000,00 | |
| Шукурова Дилфуза Мухамедовна | 16 000 000,00 | | 8 981 300,00 | 7 018 700,00 |
| Юсупов Самин Шахоббидинович | 5 700 000,00 | | 5 700 000,00 | |
| Юсупова Мукаддам Хамидовна | 20 900 000,00 | | 8 981 300,00 | 11 918 700,00 |
| Жами | 229 182 893,81 | 2 096 054,0 | 98 791 389,34 | 132 487 558,47 |

## ИШОНЧНОМАЛАР ТАХЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2003 йил 27 май куни №1245 сон билан рўйхатдан ўтказилган «Товар – моддий қийматликларни олишга ишончномаларни бериш ва уларни ишончнома бўйича топшириш тартиби тўғрисида»ги Низом бўйича жамият бухгалтерияси ишончномалар дафтарчаси (корешоги) ва уни берилишини ҳисобга олиш китоби рақамланиши ва ип билан тикилган бўлиши ҳамда жамият раҳбари имзо ва мухри билан тасдиқланиб қўйиши белгилаб қўйилган.

# ТОВАР МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИ

Жамиятга тегишли бўлган хом - ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоб материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

***1010 "Хом-ашё ва материаллар";***
***1020 "Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар";***
***1030 "Ёқилғилар";***
***1040 "Эҳтиёт қисмлар";***
***1050 "Қурилиш материаллари";***
***1060 "Идиш ва идишбоб материаллар";***
***1070 "Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар";***
***1080 "Инвентар ва хўжалик жиҳозлари";***
***1090 "Бошқа материаллар".***

Материаллар ҳисобда иккита баҳонинг энг пасти бўйича материалларни ҳисобга олувчи счётларда – ҳақиқий таннархи (сотиб олиш баҳоси ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (сотишнинг соф қиймати) бўйича ҳисобга олинади.

Зарур ҳолларда (ишлатиладиган материалларнинг номенклатураси катта бўлганда, корхона ичида материалларнинг ҳаракати интенсив бўлганда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида ва бошқаларда) материаллар ҳисоби ҳисоб баҳоси бўйича юритилиши мумкин. Ҳисоб баҳоси сифатида режа таннархи, ўртача сотиб олиш нархлари, улгуржи ва бошқалар қабул қилинади. Материалларни ҳисоб баҳоси бўйича ҳисобга олишда, ҳар ой, ҳақиқий таннархи кўрсатилган баҳосининг қийматидан фарқланиш суммаси ва фоизлари ҳисоблаб чиқилади. Фарқлар 1610 "Материаллар қийматидаги фарқлар" счётида ҳисобга олинади.

Аудитда давомида 2020 йил бошига материаллар қолдиғи 43 115 381,4 минг сўмни ташкил этганлиги аниқланди. 2020 йил давомида 1 102 135 706,8 минг сўмлик материаллар кирим қилинган, йил давомида 1 117 846 088,5 минг сўмлик материаллар чиқим қилинган. Йил охирига эса 27 404 999,7 минг сўмлик материаллар қолдиғи қолган:

| сч№ | Субконто | 01,01,2020 йға | оборот | | 01,01,2021йга |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | кирим | чиким | |
| **10.10** | **Сырье и материалы** | 4 627 266,3 | 372 781 582,8 | 365 809 961,9 | **11 598 887,1** |
| **10.11** | **Хлопковое семена** | 35 279 461,8 | 300 719 937,6 | 324 959 204,2 | **11 040 195,3** |
| **10.13** | **Сырье и материалы** | 1 517 499,3 | 12 915 816,2 | 12 654 598,7 | **1 778 716,8** |
| **10.15** | **Сырье и материалы** | 4 420,9 | 17 364,5 | 17 509,1 | **4 276,3** |
| **10.16** | **Сырье и материалы** | 129 218,8 | 6 243 508,0 | 6 318 745,3 | **53 981,6** |
| **10.19** | **Урнатиладиган асбоб ускуналар** | 31 275,3 | 188 276,3 | 189 465,0 | **30 086,6** |
| **10.20** | **Покупные полуфабрикаты и комплектующие изделия** | 404 097,3 | 8 745 591,4 | 8 443 741,2 | **705 947,6** |
| **10.30** | **Топливо (горюче-смазочные материалы)** | 66 521,0 | 727 090,5 | 757 480,9 | **36 130,7** |
| **10.40** | **Запасные зачасти (Зап.части к автомашинам)** | 380 634,4 | 1 822 728,2 | 1 950 549,6 | **252 813,0** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **10.50** | **Строительные материалы** | 141 333,5 | 525 682,6 | 569 260,4 | **97 755,7** |
| **10.51** | **Строительные материалы мат/ответ лицо** | 150,0 | 130 653,2 | 130 653,2 | **150,0** |
| **10.60** | **Тара и тарные материалы** | 9,7 | 0,0 | 9,7 | **0,0** |
| **10.70** | **Материалы, переданные в переработку на сторону** | 160 164,8 | 395 030 291,3 | 393 705 077,5 | **1 485 378,6** |
| **10.80** | **Инвентарь и хозяйственные принадлежности** | 11 672,6 | 100 624,4 | 102 740,3 | **9 556,8** |
| **10.81** | **Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации** | 1 853,0 | 0,0 | 0,0 | **1 853,0** |
| **10.90** | **Бланки ГТД на складе** | 281 986,4 | 536 650,2 | 513 426,8 | **305 209,8** |
| **10.91** | **Материал Подсобный хоз-ва** | 77 816,2 | 518 298,4 | 592 053,8 | **4 060,7** |
| **10.94** | **Ошхона** | 0,0 | 1 131 611,1 | 1 131 611,1 | **0,0** |
| | **Жами** | **43 115 381,4** | **1 102 135 706,8** | **111 7846 088,5** | **27 404 999,7** |

## ЎСТИРИШДАГИ ВА БОҚУВДАГИ ҲАЙВОНЛАР АУДИТИ

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича **1100** счетда 2020 йил 01 январ ҳолатига жами 1 165 616,4 минг сўмлик боқувдаги ҳайвонлар мавжуд булган:
2020 йил якунига кўра 1100 счет бўйича 1 037 083,3 минг сўмлик қолдиқ мавжуд:

- 1110 боқувдаги қора моллар–1 037 083,3 минг сўм.

## Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000)

Корхонанинг асосий фаолият тури ҳисобланган маҳсулот (иш, хизмат)лар, асосий ишлабчиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётида амалга оширилади.

Олдиндан (ижара, абонент тўлови ва ҳ.к.) ёки кейинги даврлардаги (ҳисобдор суммасининг ортиқча харажатлари учун тўловлар ва бошқалар) – корхона харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига уларнинг тўланган муддатидан қатъи назар – қайси даврга тааллуқли бўлса ўша ҳисобот даврида киритилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига ишлаб чиқариш захиралари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2510 "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2610 "Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажаришнинг ҳақиқий таннарх суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётидан 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар", 9110 "Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи", 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи" счётларининг дебетига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини кўрсатади.

Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши шунингдек, калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши ҳамда калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг аналитик ҳисоби ҳам корхонанинг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

## ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР АУДИТИ
### Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар (2800)

Тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади.

***2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар";***
***2820 "Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар";***
***2830 "Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар".***

Четга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг қиймати тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800) акс эттирилмайди. Улар бўйича ҳақиқий харажатлар, харажатларни ҳисобга олувчи счётлардан 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи" счётига ҳисобдан чиқарилади. Буюртмачиларга жойида топшириладиган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича **2800** счет бўйича 2020 йилнинг 01 январ ҳолатига 23 850 719,3 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар қолдиғи бўлган. Йил давомида 568 242 535,0 минг сўмлик тайёр маҳсулот кирим ва 546 410 865,9 минг сўмлик тайёр маҳсулот чиқим қилинган. 2020 йил охирига 45 682 388,5 минг сўмлик қолдиқ қолган.

| **МАСУЛОТ НОМИ** | **01,01,2020 й га** | | **2020 й Оборот** | | | | **01,01,2021 й га** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Кирим** | | **чиким** | | | |
| | **микдор** | **сумма** | **микдор** | **Сумма** | **микдор** | **сумма** | **микдор** | **сумма** |
| **Склад гот.продукции ООО Бустон олами** | | | | **5296479,4** | | **5296479,4** | | |
| **Склад готовой продукции** | | | | **4978926,5** | | **4978926,5** | | |



*Рахбар имзоси* *Аудитор имзоси*

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Гудрон | | | 416,3 | 217744,5 | 416,3 | 217744,5 | | |
| Гудрон Бустон Олами | | | 81,1 | 33162,9 | 81,1 | 33162,9 | | |
| Гудрон ёғ-мой | | | 173,1 | 70867,8 | 140,3 | 57409,9 | 32,9 | 13458,0 |
| Кадокланган Кунга бокар ёги. Каз 4,2кг | 0,1 | 445,5 | | | 0,1 | 445,5 | | |
| Кадокланган озука 1 нав 4,2 кг Фаргона | | | 4551,3 | 33405496,7 | 4551,3 | 33405496,7 | | |
| Кадокланган олий навли пахта озука ёги 1л | | | 21,0 | 152656,4 | 21,0 | 152656,4 | | |
| Кадокланган пахта озука ёги 1л | | | 38,5 | 435217,0 | 38,5 | 435217,0 | | |
